



Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 107 (12.418)

Баҳоси эркин нарҳда

2013 йил 31 МАЙ, ЖУМА

ПОЙТАХТНИНГ

БИР
КУНИ



Мамлакатимизда давом этаётган «Ҳар бир болага меҳр, эътибор!» ҳафталиги доирасида «Тошкентленд» болалар истироҳат боғида хайрия тадбири ўтказилди.



Шу йил 16 – 17 апрель кунлари Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган «Замонавий уй-жой қурилиши – қишлоқ жойларини комплекс ривожлантириш ва қиёфасини ўзгартириш ҳамда аҳоли ҳаётининг сифатини яхшилаш омили» мавзuidaги халқаро конференция яқунларида дағишланган ҳужжат яқинда Бирлашган Миллатлар Ташкилотига аъзо давлатларнинг миссиялари ўртасида тарқатилди.

ТОШКЕНТ ХАЛҚАРО АНЖУМАНИНИНГ ЯҚУНЛАРИ БМТ ҲУЖЖАТИДА

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг олти тилида тайёрланган мазкур ҳужжатда қайд этилишича, уй-жой қурилиши масалалари ривожланиш омили сифатида давлатлар иқтисодий ва банк-молия тизимида доимо муҳим ўрин тутган.

Уй-жой қурилиши ва у билан боғлиқ соҳалар, жумладан, коммунал ва ижтимоий жабҳа, транспорт, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш ва бошқа йўналишлар капитал ва сармояларни жалб қилишда алоҳида аҳамият касб этади.

Ҳужжатда эътироф этилишича, ҳозирги вақтда дунёнинг 49 фоизга яқин аҳолиси қишлоқ жойларда истиқомат қилмоқда, Осиё мамлакатларида эса қишлоқ аҳолиси миқдори 58 фоиздан ошади. Шу боис, қишлоқ жойларда уй-жойлар қурилишини ривожлантириш ҳар томонлама муҳимдир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг халқаро конференция очилишида сўзлаган нутқи, анжуман қатнашчиларининг ўзаро муҳокамалари ва мулоқотлари чоғида ишлаб чиқилган ҳулоса ва тавсиялар ҳам мазкур ҳужжатда ўз ифодасини топган. Уларнинг яқдл фикрича, уй-жой қурилишининг барқарор ривожланиши мамлакат иқтисодий ўсишига ижобий таъсир қилгани ҳолда молия тизимининг шаклланиши ва изчил тараққиётига қўмаклашади.

Материалда таъкидланганидек, тўрт йил мобайнида Ўзбекистон қишлоқ жойларда уй-жой қурилиши дастурини ҳаётга татбиқ этишда салмоқли муваффақиятларга эришди, шунингдек, аҳоли ҳаёт тарзини янада яхшилаш, шаҳар ва қишлоқлар тараққиётидаги фарқларни бартараф этиш, ижтимоий барқарорлиқни ва иқтисодийнинг изчил ўсишини таъминлашда ҳам катта ютуқларни қўлга киритди.

БМТ ҳужжатида мамлакатимизда уй-жой қурилиши дастурини амалга ошириш учун яратилган қонунчилик ва меъёрий-ҳуқуқий асос ҳам алоҳида қайд этилади. Унда конференция қатнашчиларининг бу борада фикр-мулоҳазалари келтирилганидек, қонуний асосга кўра давлат уйлари қуриш учун текин ер участкалари тақдим этади, қурилиш ҳамда зарурий инфратузилма ва коммуникация харажатларини қоплайди, қишлоқ жойларда қурилган замонавий, шинам уйлари сотиб олиш учун ўзққ муддатли имтиёзли кредитлар ажратади. Дастурда аҳоли учун бундан бошқа имтиёз ва преференциялар ҳам назарда тутилган.

Ҳужжатда конференция иштирокчилари томонидан ўзаро мулоқотлар ва баҳс-мунозаралар орқали ишлаб чиқилган қатор тавсиялар ҳам ўз аксини топган. Жумладан, шаҳар ва қишлоқ аҳолисининг турмуш кечириш даражасида ҳали ҳамон муайян фарқлар сақланиб қолар экан, қишлоқ жойларда уй-жой қурилишининг давом эттирилиши мазкур ҳудудлар ижтимоий-иқтисодий тараққиётида муҳим ўрин тутиши алоҳида қайд этилади. «Конференция қатнашчилари халқаро ташкилотлар ва молия институтларини бутун дунё қишлоқларида уй-жойлар қурилиши, транспорт-коммуникация, ижтимоий ва бозор инфратузилмасини ривожлантириш бўйича лойиҳалар қўлamlарини кенгайтиришга чорладилар. Бу сингари дастурларни маҳаллий ҳом-ашё асосида қурилиш материаллари ишлаб чиқаришнинг илғор ва инновацион технологияларини жорий этиш ҳамда қурилиш ишларини ташкиллаштиришнинг замонавий усуллариға ўтиш орқали бутун иқтисодийётни модернизациялаш билан бирга амалга ошириш зарурдир».

БМТ ҳужжатида қишлоқ жойларда уй-жой қурилиши юзасидан кенг қўламли, чуқур ўйланган ва аниқ натижаға йўналтирилган дастурни ҳаётга татбиқ этиш борасида Ўзбекистонда тўпланган тажриба қишлоқ аҳолиси турмуш тарзини юксалтириш истагидаги барча мамлакатларға ўрганиш учун тавсия этилади. Шунингдек, мамлакатимизнинг қурилиш санъатини комплекс тарзда янгилаш, қишлоқларда уй-жой қурилиши дастурининг барча иштирокчилари учун рағбат ва имтиёзлар тизимини шакллантириш бўйича тажрибаси ҳам дунё бўйлаб ўрганилиши мазкур ҳужжатда тақлиф қилинган.

«Бир сўз билан айтганда, дея ҳулоса қилинади ҳужжатда, Ўзбекистон қишлоқларида уй-жойлар қурилиши дастурининг амалга оширилиши мамлакатнинг иқтисодий тараққиёти, унинг ижтимоий барқарорлиги ҳамда аҳоли фаровонлигининг юксалишиға янги суръат бахш этади».

«Жаҳон» АА

1 июнь – Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни

БОҒДА БАЙРАМ САЙЛИ

«Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси, «Sen Yolg'iz Emassan» Республика жамоатчилик болалар жамғармаси, Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Тошкент шаҳри ва вилояти ҳокимликлари ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирға Тошкент, Сирдарё вилоятлари ва пойтахтимиздаги Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари, эл-юртимиз тинчлиги ва осийишталлиги йўлида ҳалок бўлган хизматчиларнинг фарзандлари тақлиф этилди.

Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари, шаҳар хотин-қизлар кўмитаси раиси Ф.Абдурахимова ва бошқалар Президентимиз Ислон Каримов раҳнамолигида ота-она меҳридан бебаҳра болаларни ижтимоий ҳимоя қилиш, Меҳрибонлик уйларидаги маънавий-ахлоқий, психологик-педа-

гогик муҳитни янада яхшилаш юзасидан амалға оширилаётган ишлар алоҳида эҳтиёжли болаларнинг жамиятға фаол интеграциялашувига муҳим омил бўлаётганини таъкидлади.

Бу борада «Соғлом авлод учун», «Sen Yolg'iz Emassan» жамғармалари каби жамоат ташкилотлари томонидан қатор лойиҳалар ҳаётға татбиқ этилмоқда. Ҳамкорликда ўтказилаётган касблар ярмаркалари, иқтисослаштирилган тиббий кўриклар, ижодий фестиваллар болаларнинг ижодий-интеллектуал салоҳиятини аниқлаш, саломатлигини мустаҳкамлашға хизмат қилмоқда. Уларнинг тиббий, физиологик, психологик имкониятиға қараб касб-хунарга йўналтириш – доимий эътиборда.

Хайрия тадбири давомида барча аттракцион болаларнинг ихтиёрида бўлди. Кичкинтойларға байрам совғалари топширилди.

ларнинг зарур билимларни ўзлаштиришиға, уларда ўзига нисбатан ишонч, ирода, ҳурмат каби тушунчаларни йўғотишға, одилонга ўйин, жамоа билан ишлаш, муаммоларнинг беғараз ечимини топа олишдек инсонийлик хусусиятларини шакллантиришға қаратилди.

«SOS – Ўзбекистон Болалар маҳалласи» уюшмаси баркамол авлодни тарбиялаш, болаликдан ота-она қаровисиз қолган болаларни жисмоний интеллектуал ва маънавий камолға етказиш, ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, улар учун муносиб турмуш шароитини яратишға хизмат қилмоқда. Ташкилот томонидан таълим хизматлари кўрсатишни қучайтириш, васийликдан чиқарилган ёки ота-оналар қаровидан маҳрум бўлиш эҳтимоли бор болаларни қўллаб-қувватлашға қаратилган қатор дастур ва лойиҳалар амалға оширилмоқда. Бундай лойиҳалар доирасида семинар-тренинглр, давра суҳбатлари, мусобақалар ва байрам тадбирлари ўтказилаётир. Жумладан, «Кувнок автобус» маркази пойтахтимиздаги маҳаллаларда бўлиб, болалар учун турли кўнгилочар ва интеллектуал ўйинлар ташкил этмоқда.

Тадбирда болаларға байрам совғалари топширилди.

(ЎЗА)

БОЛАЛАРГА ҚУВОНЧ УЛАШИБ

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасида «Ҳар бир болага меҳр, эътибор!» ҳафталиги доирасида Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кунига бағишланган байрам тадбири бўлиб ўтди.

«SOS – Ўзбекистон Болалар маҳалласи» уюшмаси, БМТ Болалар жамғармаси (ЮНИСЕФ), Ўзбекистон-Япония маркази ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур тадбирға пойтахтимиздаги Меҳрибонлик уйлари, кам таъминланган, серфарзанд оилалар, боғча ва мактабларнинг оиздан зиёд ўғил-қизлари тақлиф этилди.

Президентимиз Ислон Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда ҳар томонлама соғлом ва баркамол ёш авлодни вояға етказиш йўлида кенг қўламли ислохотлар амалға оширилмоқда. Мамлакатимизда болаларни ҳимоя қилишнинг зарур ҳуқуқий базаси яратилган. БМТнинг Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияси мамлакатимиз ратификация

қилган дастлабки халқаро ҳужжатлардан биридир. 2008 йилда қабул қилинган «Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги қонунда болаларнинг соғлиқни сақлаш, таълим, ижтимоий таъминот ва тўлақонли ривожланишға доир ҳуқуқлари кафолатланган. Қонунда ижтимоий ҳимояға муҳтож ва алоҳида эҳтиёжлари бўлган болалар ҳуқуқларини кафолатлашға алоҳида эътибор қаратилган.

Тадбирда ташкил этилган кўнгилочар ўйинлар, турли фанлар оид интеллектуал викториналар, маҳорат мактаблари болаларға бир олам қувонч бағишлади. «SOS – Ўзбекистон Болалар маҳалласи» уюшмасининг «Кувнок автобус» маркази томонидан ўтказилган ўйинлар бола-

кунни муносабати билан «Ҳар бир болага меҳр, эътибор!» номи аънавий хайрия тадбири ўтказилди.

✓ ЭРТАГА Ўзбекистон Рес-

публикаси Ички ишлар вазирлигининг Маданият саройида «Беғубор болалигим» мавзuida байрам тадбири ўтказилади.

✓ КЕЧА Тошкент Фотосуратлар уйида «Шанхай аёлининг ҳаётдан бир ажайиб кун» мавзuida фото кўргазмасининг очилиш маросими бўлиб ўтди.



МАМЛАКАТИМИЗДА

• Наманганда «Инновацион ишланмалар самарадорлигини оширишда таълим, фан ва ишлаб чиқариш ўртасидаги ҳамкорликнинг роли» мавзусида республика илмий-амалий анжумани бўлиб ўтди. Мазкур тадбирда Наманган, Андижон, Самарқанд вилоятлари ва Тошкент шаҳридаги олий ўқув юртлари профессор-ўқитувчилари ва талабалари, ишлаб чиқариш корхоналари, тадбиркорлик субъектлари вакиллари иштирок этди.

• Мамлакатимизда 5 июнь – Жаҳон атроф-муҳитни муҳофаза қилиш кунни муносабати билан ўтказилаётган экология ҳафталиги доирасида Самарқанд вилояти бўйлаб медиатур ташкил этилди. Медиатур аҳолини мамлакатимизда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш борасида олиб борилаётган изчил ишлар, соҳадаги янгиликлардан янада кенгрок хабардор этишға хизмат қилади.

• Андижондаги Суғориладиган ерларда галла ва дуккакли ўсимликлар илмий-тадқиқот институтида келгуси йил ҳосили учун сифатли галла уруғи тайёрлаш масалалариға бағишланган семинар бўлиб ўтди.

• «Келажак овози» республика кўрик-танловининг Нукус шаҳар босқичи бўлиб ўтди. Унда иштирокчилар архитектура ва дизайн, ахборот технологиялари, рационализаторлик тақлифлари ва техник ишланмалар, тасвирий ва амалий санъат, адабиёт ва публицистика йўналишлари бўйича ўз билим ва маҳоратини синовдан ўтказишди.

• Эллиққалъа туманида касб-хунар коллежлари битирувчиларининг келгусидаги иш фаолиятлариға бағишланган учрашув ўтказилди. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Бюджет ва иқтисодий ислохотлар кўмитаси ҳамкорлигида ташкил этилган ушбу тадбирда Амударё, Бетруний, Тўртқўл ва Эллиққалъа туманларидаги касб-хунар коллежларини битираётган ёшлар иштирок этди.

ЖАҲОНДА

• Мексиканинг Идалго штатидаги трассада рўй берган йўл-транспорт ҳодисаси натижасида 16 киши ҳаётдан кўз юмган. Ушбу автобусда бир гуруҳ сайёҳлар Санта Мария Амаяк шаҳридан пойтахт Мехикоға қайтишгаётган эди. Ҳалокатнинг юзаға келишиға эса автобуснинг баллони қайрилиб кетиши сабаб бўлган.

• Япониянинг жанубида – Окинава ороли яқинида Американинг F-15 русумли жанговар самолёти ҳалокатға учради. Маълумотларға кўра, ушбу самолёт Шарқий Хитой денгизи устида ўтказилаётган ўқув-машқ йиғинларида иштирок этаётган бўлиб, тўсатдан денгизға қулаб тушган. Ҳалокат сабаблари маълум эмас.

• Бельгияда уюштирилган кимошди савдосида «Чақмоқ» лақабли энг тезуچار каптар 400 минг долларға сотилди. Уни хитойлик ишбилармон харид қилди. Қушни жуда қиммат нарҳда сотиб олганиға қарамай, ишбилармон ўз харидидан мамнун эканини билдирган.

• Буюк Британия Мудофаа вазирлиги мамлакатдаги барча ҳарбийлар кўчаларда ва жамоат жойларда ҳарбий либосда эмас, оддий фуқаро кийимида юришлари тўғрисида буйруқ чиқарди. Мудофаа вазирлигининг ушбу қарорини мамлакат бош вазири Дэвид Кэмерон ҳам маъқуллади.

ҚИСҚА САТРЛАРДА

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз муҳбирларимиз хабарларидан.

✓ КЕЧА Республика болалар кутубхонасида 1 июнь – Халқаро болаларни ҳимоя қилиш

кунни муносабати билан «Ҳар бир болага меҳр, эътибор!» номи аънавий хайрия тадбири ўтказилди.

✓ ЭРТАГА Ўзбекистон Рес-

публикаси Ички ишлар вазирлигининг Маданият саройида «Беғубор болалигим» мавзuida байрам тадбири ўтказилади.

✓ КЕЧА Тошкент Фотосуратлар уйида «Шанхай аёлининг ҳаётдан бир ажайиб кун» мавзuida фото кўргазмасининг очилиш маросими бўлиб ўтди.

18.00 Сегодня.
18.30 Премьера. Детективный сериал «Патруль» (16+).
21.20 Премьера. Остроумный сериал «Кралёвский» (16+).
22.15 «Сегодня. Итоги».
22.35 Премьера. Остроумный сериал «Кралёвский» (16+).
23.35 Премьера. Детективный сериал «Стерва» (18+).
00.30 «Что такое?» (0+).
01.35 Дикий мир (0+).
02.05 Сериал «Аэропорт» (16+).
04.00 Детективный сериал «Москва. Три вокзала» (16+).

(Давоми 4-бетда)

